



# ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 3 сентябрь № 36 (75) ● Сотувда эркин нархда

## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллигининг инки йиллиги арафасида Алоқа вазирлигида фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Байрам руҳи сезилиб турган давра столида мураккаб шартларда ўзларининг яратувчилик меҳнатлари билан замонавий алоқа воситаларини бунёд этган алоқачилар тўпланишди. Кўп йиллар почта, телеграф, радиостанция, телефон боғдамаларида самарали меҳнат қилган уруш ва меҳнат фахрийлари дўстона мулоқотда фаол қатнашдилар. Кўнрада орден ва медаллар бўлган, сочларини қиров боғлаган, юзлари ажин билан қопланган, аммо руҳан тетик, ҳаётий тажрибаси бой бу инсонларнинг хотирлашга, ҳикоя қилиб беришга арзигудек гаплари бисёр эди.

Республика Алоқа вазирлиги биринчи ўринбосари Т. Ғ. Раҳимов, алоқачилар касабаси уюшмаси МҚ райси Т. Н. Назаржонова меҳмонларни байрам билан самимий қутлаб, табриқладилар. Улар фахрийларга мустаҳкам сihat-саломатлик, ҳаётида рўшнолик ва ёш авлодни тарбиялашда муваффақиятлар тилашди. Самимий қабул ва дўстона мулоқот гуруннинг

ошиқора ўтишига туртки бўлди. Собиқ Алоқа вазири муовини Л. А. Абаева нафақахўрлар ҳамда меҳнатнашлар турмуши тўғрисида ҳамхўрлик кўрсатаётгани учун Республика Президентига, шундай байрамона учрашувни уюштиргани учун Алоқа вазирлигига катта миннатдорчилик билдирди. Яна бир собиқ Алоқа вазири муовини — Х. М. Маҳмадова эса Улуғ Ватан урушининг сурунли йиллари, урушдан кейинги қийинчилик давлари алоқачилар бошига тушган оғир синовлар ҳақида гапираркан, Тошкент электр алоқа институтининг қандай барпо этилгани, пионер оромгоҳларининг қурилгани, Ўзбекистон алоқачилари ўқув даргоҳларининг яратилгани ҳақида эслди. Шунингдек, В. В. Малишев, И. Я. Гороховлар ҳам ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Айниқса 84 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Мансур ака Музафаровнинг дил сўзлари катта қизиқиш билан тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги номидан бир гуруҳ фахрийларга табриқномалар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилди.



Ўдақлар — поклиги билан улудир,  
Соддалиги билан каттадир, биздан....

Суратчи: Р. АЛЬБЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишини Алоқа вазирлиги К. Р. Раҳимов олиб борди. Иш режасида белгиланган масалалар кўриб чиқилди. Урганчидаги алоқа заводи ва «Ўзбекалоқаниформ», «Алтел» қўшма корхоналарида ишлаб чиқаришни ўлаштириш тадбирлари ҳақида Алоқа вазири ўринбосари Р. Ғ. Валиев ахборот берди. Ҳайъат аъзолари актилик билан Урганч Алоқа заводи қурилишини олиб бориш ва Тошкентдаги «Ўзбекалоқаниформ» қўшма корхонаси базасида қўшма корхона очиб ва бу ишлар учун молиявий манбалар топиш ҳамда маблағ билан тяминлаш лозимлигини қайд этдилар. 1994 йилгача қурилиш ишлари тугатилиб, фойдала-

нишга топширилиши кўзда тутилган. «Ўзбекалоқаниформ» қўшма корхонаси қуввати рақамли алоқа ускуналари ишлаб чиқаришга сарфланади. Ҳайъат аъзолари ҳар икки завод қурилишини жадаллаштириш, тезроқ тайёр махсулот ишлаб чиқариш лозимлигини қайд этдилар. Шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган «Алтел» қўшма корхонасида телекоммуникация асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун «Телеташ» турок фирмасининг ҳам иштирок этиши масаласини кели-

шиш вазифаси топширилди. Ҳайъат мажлисида Алоқа вазирлиги ва алоқа ходимлари касба уюшмалари Марказий Кўмитаси ўртасидаги 1993 йилнинг биринчи ярми иш якуналари бўйича Келишувнинг бажарилиши суръатлари тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Ушбу савол юзасидан вазирлик бош мутахассиси А. П. Царева ва касба уюшмалари МҚ бўлим мудири Ғ. К. Каримовнинг ахборотлари тингланди. Уларнинг хабарига кўра, Келишув шартлари умуман олганда бажарилаётган бўлса-де,

унинг баъзи қисмлари бўйича сусткашлик сезилмоқда. Чунинчи, алоқачиларнинг ўртача иш ҳақи Келишувда кўзда тутилганидек 3,2 баробар эмас, балки 2,9 марта ошган. Бундай ҳол аввало «Ўзбекистон почтаси» концерни, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари, жиктимоий-маданий-манжий корхонаси туйфайли содир бўлди. Шунингдек, Ҳайъат мазкур масаланинг етарлича сифатли тайёрланмаганини қайд қилди. Масалан, ўтган олти ой мобайлида Келишувнинг бажарила-

ётганини аниқлаш учун корхоналар билан иш олиб борилмаган. Юқоридеги тақлиф, мулоҳаза ва камчиликларни ҳисобга олиб, Ҳайъат ва касба уюшмалари МҚ қўшма мажлисида тўққиз ойлик иш натижалари муҳокама қилинётганда Келишув шартларининг бажарилиши ҳақида концернлар ҳисоботини ҳам эшитиш тақлиф қилинди.

Ҳ. Ш. Шамсиевнинг ахборотига асосан Ҳайъат аъзолари назорат-тафтиш ишларини текомиллаштириш ва тегишли камчиликларни бартараф қилиш, давлат мулкнинг сакланшини яхшилаш тадбирлари режасини кўриб чиқилди. Ҳайъат тақлиф қилинган тадбирлар устида ҳали яна ишлаш лозимлигини қайд этди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП ?

\* ЯНГИЛИКЛАР \* ХАБАРЛАР \* ВОҚЕАЛАР \*

● 26-27 август кунлари И. А. Каримов Қозғонистоннинг Кўкчатов вилоятига сафар қилди. Кўкчатовда Қозғонистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Нурсултон Назарбаев, Ислом Каримов ва Аскар Акаевларнинг расмий учрашуви бўлиб ўтди. Уч давлат раҳбарлари бу галги дўстона йиғида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий,

снсий, маданий алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

● 30 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг навбатдаги ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш юзасидан номбар ишчи гуруҳининг якуновчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини гуруҳ раҳбари Э. Халилов олиб борди.

● 30 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазини Иқтисодий ислохот, бюджет сивсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисини қўмита раиси Э. Ҳўжаев бошқарди. Мажлиси иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо қоғазлар ва фонд биржаси ҳақида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуналарини муҳокама қилишди.

● Озарбайжон Республикаси референдум бўйича Марказий комиссиясининг дастлабки маълумотларига кўра, сайловда қатнашган республика фуқароларининг 93 фоизи Абулфайз Элчибейга ишонсизлик билдиришган.

### БУТУНГИ

#### СОҢДА:

● АЛОҚА ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТАРИФЛАР

● КЕКСАЛИК НОЧОРЛИК ЭМАС

● БЕГАРАЗ МУҲАБАТ

● УМР ЧОРРАҲАЛАРИДА

● БИР ПИЕЛА МУСАЛЛАС

### КЕЛГУСИ

#### СОҢЛАРДА:

● ТЕЛЕФОН ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

● АЛОҚА ХИЗМАТИ ҲАЕТ ДЕМАҚДИР

● ШИША ТОЛА ОРҚАЛИ ЖАҲОНГА

● КИМ БИЛАН ДУСТЛАШИШ КЕРАК?

● МУРУВВАТ ЧИН ИНСОНИЙЛИК ПУЛИДИР

● ЙИГЛАШНИНГ ФОЙДАСИ БОРМИ?





Яқинда Ўзбекистон алоқа ходимлари касоба уюшмалари Марказий Кўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда алоқа ходимларининг ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қилинган ишлари янада тақомиллаштириш вазифалари муҳофазат этилди.

Ингилишти ўтказишга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика касоба уюшмалари раҳбар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви тўғриси бўлди. Президентимиз касоба уюшмаларининг меҳнатқавшлар

Хўш, бу мажбуриятларнинг мазмунини нималардан иборат? Улар тўғрисида гапириб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги йилнинг ҳар чорағида концернлар ва кўл остидаги корхоналар бўйича ишчи ва хизматчиларнинг ўртача маошини йилнинг ҳар чорағида таҳлил қилиши, алоқа хизматининг ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган турларига белгиланган тарифларни қайтадан кўриб чиқиши лозим. Жумладан, энг кам иш ҳақи даражасини тармоқ бўйича 3,2

мажбуриятлар ичиде касоба уюшмалариники миқдор жиҳатдан кўпроқ. Касоба уюшмалари Марказий Кўмитаси алоқа корхоналарида 1993 йил учун меҳнат шартномалари тузиш ишларини ташкил қилиш, меҳнат шартномаларини экспертиза қилишда, меҳнат муҳофазаси меъёр ва қондаларига риоя қилишда шунга тегишли бўлган кўрсатмаларни бажаришда уларга ёрдам бериши белгиланган. Шунингдек, алоқа корхоналарида касоба уюшмалари меҳнат ва ишлаб чиқариш иттифоқини мустақим-

фақалардан ташқари қўшимча нафақалар тўлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги юзасидан энг яхши ташкил қилинган ишлар бўйича танлов ўтказиши кўзда тутилган.

Кўшма мажбуриятлар шартларига кўра, жойларда вазирлик, концернлар ва касоба уюшмалари Марказий Кўмитаси раҳбарияти билан «очиқ хатлар» кўнлари ўтказилиши лозим.

Йилнинг ўтган ярми ушбу Келишувлар бўйича томонлар мажбуриятларининг бажарилиши ҳаётий муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, иш ҳақи масаласини олиб кўрайлик. 1993 йилнинг биринчи ярмида у қуйдагича кўзга ташланди: тармоқ бўйича ўртача иш ҳақи — 10,2 минг сўм, «Ўзбектелеком» концерни бўйича — 10,8 минг сўм, «Ўзбекистон почтаси» бўйича — 8,2 минг, «Ўзбеклокалвест» бўйича — 10,6 минг сўм. Ўзбекистон Президентининг фармонларига кўра иш ҳақининг 1993 йил 1 июндан 2,5 марта, 1 июлидан бошлаб — 1,5 марта оширилганини кўзда тутиш, 1993 йил июнь ойида ўртача иш ҳақи қуйдагича бўлган: жами алоқа корхоналари бўйича — 20,5 минг сўм, «Ўзбектелеком» концерни бўйича — 21,6, «Ўзбекистон почтаси» бўйича — 16,7 минг, «Ўзбеклокалвест» корхоналарида эса — 25,0 минг сўм. Фармонга кўра ушбу пул миқдорларини 1,5 га кўпайтирилса, кўриниб турибдики, концернлардаги ўртача иш ҳақи меъри келишувларда белгиланган даражага нисбатан кам. Демак, ҳали алоқа ташкилотлари, касоба кўмиталари, корхоналар маъмурияти олдида ҳал қилиниши лозим бўлган аниқгина муаммолар бор.

Мавжуд камчиликларни тuzатиш кун тартибда турибди. Уларни ҳал қилиш алоқачиларимизнинг ижтимоий талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўлароқ қондириш имконини беради.

керак бўлган. Сорнада эса маблағ йўқ эди. Орадан бир неча йил ўтгач, Коммерда деган немис ўқитувчиси гугурт ихтиро қилиб, кашфиётчи ҳужжатини олишга муваффақ бўлган. Югурганини эмас, бюрганини деб шунга айтсалар керак-да.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШАПТИ?

МАСЪУЛИЯТ ХИССИ

Урганч шаҳар Почтамти ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ишчи-хизматчилари мустақиллик байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кўтиб олдилар. Мустақам нитизом ютуқлар гарови, дейишади. Почтамт жамоаси меҳнат нитизомини мустақамлаш, режаларни муваффақиятли бажариш тўғрисида бир қанча ютуқларга эришдилар. Жумладан, ўтган етти ойлик режа 18 млн. 183 сўм ўрнига 32 миллион сўм қилиб урдалади. Бундан ташқари, газета ва журналлар, хат-хабарлар, нафақа пуллари ўз вақтида тарқатилмоқда. Почтачилардан Р. Нурметова, С. Шомуротова, И. Аллошопалар ўз ишларини масъулият билан бажаришади.

Бозор иқтисодиёти муносибати билан Президентимизнинг фармонига асосан июль ойи маошлари кўпайтирилди. Алоқачилар кўл меҳнатини энгиллаштириш мақсадига вилоят бўйича почта жўнатмаларини ташиб келтириш, саралаш ва жунаштириш бўлими биноси темир йўл яқинига қурилган. У ҳозирда ишлаб турибди. Бу участкада ҳамма почта жунаштириш ишлари техника ёрдамида бажарилади. Айни пайтда поездда келадиган юклар кечаси ва кундузи қабул қилиниши натижасида почта жўнатмалари вилоятнинг ҳамма тармоқларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Алоқачилар меҳнати маъмурият ва касоба уюшмаси томонидан муносиб тақдирланаётган. Олинган даромадга қараб ойда ҳар бир ходимга муқофот ва тушлик қўллари, кўп йил хизмат қилганларга ёрдам пуллари бериб берилмоқда. Кам даромадли оилалар моддий рағбатлантирилмоқда. Ишчи-хизматчиларни турар жой билан таъминлаш борасида маъмурият ва касоба уюшмаси томонидан ёрдам кўрсатилади, янги коттеж, оилавий ётоқхона қуриб берилади. Муҳими, улар алу юрт учун хизмат қилаётганларини дилдан ҳис қиладилар.

Гулҳажа ОТАМУРОВОВА, Урганч шаҳар Почтамти иқтисодчиси

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИМИ?

ижтимоий ҳуқуқ ва эҳтиёжларини муҳофазат қилиш бўйича самаралироқ ишлашга, аҳолининг кам таъминланган қатламларини — нафақахўрларни, кўп болали оилаларни, талабаларни, манзилли ҳимоялаш тизимини жорий этиш юзасидан бир қатор тақлифларни ўртага ташлаган эди.

Пленумда янги йўналишдаги вазифаларни алоқа корхоналарида қўллаш бўйича фикр билдирилди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва касоба уюшмалари Марказий Кўмитаси ўртасида имзоланган келишув шартларини бажариш эслатиб ўтилди. Чунки мазкур ҳужжатлар алоқа корхоналари маъмурият ва жамоаларининг ижтимоий ҳимоя бўйича ўзаро муносибатларини тартибга солади. Келишув унда иштирок этувчи ҳар иккала томоннинг мажбуриятларини ўз ичига олиб, ҳужжатнинг баъзи моддалари алоқа корхоналарида ўзгартирилиши мумкин. Аммо маъмурият ҳам, касоба уюшмалари ҳам қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини тўхтатиб қўйиши мумкин эмас.

коэффициент даражасига етказиш (масалан, агар 1993 йил 1 июндан Ўзбекистонда иш ҳақининг энг кўйи чегараси 11250 сўм қилиб белгиланган бўлса, у ҳолда алоқачилар учун бу чегара 36,0 минг сўмин ташкил қилиши керак). Вазирлик почтачилар ва алоқачилар монтерлар фойдаланадиган махсус иш кийимларини тайёрлаш, сотиб олиш ва фойдаланиш ҳақидаги Нитизомни ишлаб чиқиши керак.

«Ўзбектелеком» концерни бўлса ўз таркибига кирувчи корхоналарда ходимлар меҳнат ҳақини давлатимизда белгиланган минимал даражага нисбатан 3,5 марта ошириш, рентабелик даражасини 30 фоиздан туширмастик мажбуриятини олди.

«Ўзбеклокалвест» концерни мажбуриятлари ўртача иш ҳақини белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан 2,8 марта ошириши, махсус кийим-кечакка, корхоналарни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга бўлган моддий эҳтиёжини аниқлашни кўзда тутиди.

Келишувларда тилга олинган

лаш, жамоа низоларини кўриб чиқишнинг амалдаги тартибини сақлаш ҳам касоба уюшмаларининг вазифасидир. Алоқа ходимларининг дам олишини таъминлаш учун касоба уюшмалари Марказий Кўмитаси «Нанай» дам олиш уйида ҳордақ чиқариш учун 250 та йўланманни ўз ҳисобидан ажратди, алоқачиларнинг 1650 та фарзандини болаларни соғломлаштириш санаторияларига жунаштириш ташкил қилди. Бундан ташқари, 260 киши ҳисоба уюшмалари маблағи ҳисобига дам олиб, доволаниш муассасаларида ҳордақ чиқаради. Йўланма олувчиларнинг 40 фоизга яқини почтачилардир.

«Кўшма мажбуриятлар» бўлимида Ўзбекистон Алоқа вазирлигини касоба уюшмалари Марказий Кўмитаси билан бирга қилишда алоқа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини тартибга солувчи Нитизом, кўрсатмалар ишлаб чиқиши, «Ўзбектелеком» концернини ўз ходимлари штарлар қисқартирилиши тўғрисида ишдан бўшатишда белгиланган на-

шадди. Бу аралашмага бартоле тузи билан бир чўпин ботириб олади ва уни алдақандай буюмга ишқалайди. Натияжада гугурт кашф этилади. Аммо ўша пайтда ёш олим ўз кашфиёти учун патент олишга эришолмайди. Чунки у пайтларда ихтиро учун ҳужжат олишга кўп пул сарфлаш

керак бўлган. Сорнада эса маблағ йўқ эди. Орадан бир неча йил ўтгач, Коммерда деган немис ўқитувчиси гугурт ихтиро қилиб, кашфиётчи ҳужжатини олишга муваффақ бўлган. Югурганини эмас, бюрганини деб шунга айтсалар керак-да.

ГУГУРТ

КАШФИЁТЧИСИ КИМ?

Гугурт қачон кашф этилгани биланисми? Уни француз олими Ш. Сорна 1831 йилда ихтиро этган. У бартоле тузи билан олтигугурт аралашмаси бирон

нарсасига қаттиқ тегса портлаб кетишини яхши билган. Сорна 19 яшарлигида ажойиб бир тажриба ўтқазди. У олтигугурт аралашмасига оқ фосфор қў-

Янгиликлардан хабарингиз борми?

ЯНГИ ТАРИФЛАР

Тошкент шаҳар телефон тармоғи янги пайтда оғир иқтисодий шароитни бошдан кечираётган. Жиҳозларнинг тубдан эскиргани тармоқ ва станция эҳжаликлари иш сифатининг пасайишига сабаб бўлаётган. Мутахассисларни сақлаб туриш айтишга қийин кечапти. Чунки пойтахт телефон тармоғи ишини юргизиш турши, шароитини яхшилаш учун қўллаб моддий-амалий кўмак ва ҳисобсиз маблағ керак бўлади. Фоҳат буларгина эмас. Тармоқнинг ўзи моддий энг кўрган ҳолда ишлабди, ҳеч қандай амалий ёрдам олмайдди! Шу бёмис телефон ўрнатмоқчи бўлган бюртмачилар талабини қондиришини янги тартиби жорий этилди.

ҳақида ҳеч ким қайғурмасди. Каломадлар абонент билан ҳамжиҳатликда қопланиши мақсадга мувофиқ эмасми? 1993 йилнинг 1 августидан бошлаб Тошкент шаҳар телефон тармоғида мазкур тармоқ аъзоларидан тузилган вакиллар иштирокида телефон ўрнатилиш учун ҳақ тўлашини янги тартиби ишлаб чиқилди. Энди республикамиз ҳудудидеги корхона ва ташкилотларга бир донга телефон ўрнатилиш 350 минг сўм қилиб белгиланди.

Барча фуқаролар телефон ўрнатилишга кетган ҳаражатларга қараб ҳақ ундириладиган «Рўйхат асосида тўлов»га қатъий амал қилдиладир. У шаҳарларда — 50 минг сўм, қишлоқларда эса — 25 минг сўм қилиб белгиланган. Бунда абонентларни тармоқ билан боғлаш ва симларни ўрнатилиш ишлари ҳисобга олинади. Мазкур тариф Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан бошқарилади.

Яна бир хизмат — қилинадиган қўшимча ишлар учун

тўлов бўлиб, унга телефон ўрнатилиш мақсадига жойлардаги тармоқларни таъмирлаш, қўшимча қурилиш, кабеллар ўқитиш, симларни тортиш хизматлари кирлади. Бундай хизматга бюртмада келишилганга қараб ҳар бир АТС ва алоқа бўлимларининг мустақил қурилиш ишларига кўра қўшимча ҳақ тўланади. Шу пайтга қадар барча қурилиш ишларига корхоналар жалб этиларди, янги қондага асосан 6 ёки 9 ой ичиде аривачи корхона ҳисобига олинган ҳақ тўлаши зарур. У турли ҳудудларда ҳар хил бўлиши мумкин. Тошкентда янги пайтда бу баҳо 250 минг сўм қилиб белгиланган. Бунда АТС ишга тушиши билан телефоннинг тармоқ билан боғланишига кафолат берилади. Бу эса фуқаролар ўз бадаллари билан АТС қурилишларида иштирок этадилар деген гапдир.

Тошкентдаги ҳамза ва Чирчиқ шаҳар телефон тармоқларида телефон ўрнатилиш учун яқин вақтлардан буён қўлланила-

ётган тажрибалар бу ерда кўрсатилганидан тубдан фарқ қилади. Улар АТС рўйхатидаги абонент аривачини ўрганиб чиққан, беш кун муддатда аривачини қорлаб, уни телефон ўрнатилишга кетадиган хизмат ҳақидан огоҳ этдилар. Муҳими — тўлов қиймати. У келишув асосида бир-икки миллион сўм ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Буюртмачи розилиги билан ишини бажаришга киришилди. Тўлов қиймати материаллар баҳоси, ишчи кучи, бошқа факторлар, қайд этилган келишув ҳужжатларига ва қилинган ишларга қараб белгиланади. Аҳдлашувини бажариш муддати — 150 кун. Муддат қисқарилган тақдирда тўлов баҳоси оширилади.

Албатта, нега бунча баҳо, деган саволлар туғилиши мумкин. Ҳа, улар олдингилардан бирмунча юқори. Бюис — телефон кабеллари, симлари ва транспорт, ёқилги, электр қуввати нархининг бир неча баробар ошганида. Меҳнат ҳақи тўловлари ҳам юқори.

Телефонистларнинг ўзлари ҳам бепул ишламайди. Янги қурилмалар сотиб олиш, уларни қуриш, қайта таъмирлаш, телефон тармоғини ривожлантириш учун янги пайтда озмунча маблағ талаб этиладики!

Чет эл фирмалари қишлоқ жойлари учун бир донга телефон 3 минг доллар ёки 3 млн. сўм турадиган радиотелефон станцияларни қуриб беришни таклиф этаётган. Москвада шаҳар телефон тармоғини қайта таъмирлаш учун ҳисоб-китобларга қараганда, бир донга телефон икки минг долларга тўтаётган. Халқро бағкида келишувга кўра бир донга телефон таъмирлаш, замонавийлаштириш ўрта ҳисобда бир минг долларга тушади.

Шундай қилиб, Тошкентда телефон ўрнатилиш учун тўлов ҳақининг янги тарифи жорий этилди, бироқ у ҳали сўнгги чора эмас. Республика бўйича «Рўйхат асосида тўлов»нинг янги тартиби жорий этилиши гоёта ибратли, муҳим тадбирдир. Бу эса бозор қонунига кўра корхонани ўз-ўзини ҳимоя қилишини ёқилона усулидир.

А. КУДИНОВ



• Танловга

# БЕГАРАЗ МУҲАББАТ СОҲИБИ

Абдурасул ака билан илк бор журналистика кулиётининг толиби бўлиб, кувончим ичимга сиймағ юрган кезларда танишганим. У кишининг дўконга ётоқхонамизнинг ёнида жойлашганлиги сабабли газета ва журналларни доимо шу ердан олардик. Талабалар Абдурасул ака билан ниҳоятда қадрдон эдилар. Инсон қалби нозик бўлади дейишади. Кўпчилик билан ишлаш, турли феъл-атвордаги кишилар қалбига йўл топа олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармайди. У кишининг ширин муомаласига ҳавасимиз келарди. Ёшлар тилини яхши тушушган Абдурасул ака кимнингки бирон газетда шеър ёки мақола ёзиб, уч-тўрт нуска олиб қўй ва «яхши ёзибсан...» дея илҳомлантирарди.

Табиятан хушчақчақ бу одам ҳақида бирон нарса ёзишни ният қилганим. Лекин талабаларнинг турли ташвишлари бунга имкон бермади. Бир воқеа сабаб бўлдию ёзишга қатъий қарор қилдим. Мақолам босилган бир газетани барча дўконлардан қидириб топмадим. Шунда Абдурасул ака ёдига тушди. Аммо орадан анча вақт ўтиб кетганди. У киши мени илҳом қилиб олди. Ҳамон харидорларнинг қўлигадан қўли-қўлга тегмасди. Анча сўхбатлашиб ўтиргач, газетани сўрашга ботинолмай, секин ўрнимдан қўзғолдим. Бу хушчақчақ одамни мулазим қилиб қўйишдан чўчигганим. Шу пайт Абдурасул ака бироз ёнгишиб, қандайдир газетани олди.

— Мақолагни ўқидим. Суратлари билан чиқибди. Икки нуска олиб қўйганим, ола кет, — деди у.

Орадан анча вақт ўтганига қарамай ёздан чиқмаган экан. Абдурасул акага қайта-қайта ташаккур айтиб, хонамга қайтдим. Энди бу одам ҳақида ёзмаликка ҳақим йўқ эди. Одатда қалб-қўригига ўрнашиб қолган бундай инсонлар тўғрисида ёзиш қийин нечади. Абдурасул акани яхши билсамда, ёзишга қийналардим. Гўё бисотимдаги сўзлар таърифу тафсиғфа камлик

қиладигандай эди. Орадан икки кун ўтгач, яна учирашдик. Сўхбатимиз қизиқандан-қизиқди. Мақоламга асқотадиган саволлар бердим. Шу пайт юриш-туришдан талабалиги сезилиб турган бир йигит дўконга яқинлашди. У бизга бир-бир салом берди-да, сўхбатдошимдан узар сўрай бошлади:

— Мени кечиринг, амакижон. Ўшанда сизни ноҳақ қама қилдим. Кеча уйдан хат олдимۇ ҳаммасини тушундим. Сизга катта раҳмат...

У қандайдир бир хат узатди. Абдурасул ака қисқарига ёзилган мактубни тезда ўқиб чиқди ва йигитчанинг бошини силаб:

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим, ҳаётда англашилмовчилик бўлиб туради. Хато қилмаган одам бўладими дунёда, ҳижолат чекмаган, — дея таскин берди. «Ўша одам менинг ладам бўлади» деди ҳалиги йигит дўкондан узоқлашаркан. Мен эса ҳеч нарсага тушунмасдим. Сўраб-суриштириб, қўймаганимдан кейин Абдурасул ака воқеа тафсилотини сўзлаб берди:

— Ўша кунга ерталаб эндигина янги газеталарни қабул қилиб, тахтаётганимда дўконимга нимадир урилиб, тақтақлаб қолди. Иш билан бўлиб сезмай қолбман. Соат чамаси етти яримлар бор эди. Ҳасса тутган кўзи ожиз кишига кўзим тушди. Салом-алиқдан сўнг унинг мусофир эканлигини билдим. Ўзини Набижон деб таништирган меҳмон йўл кўрсатиб юборишимни сўради. Дўконни ёпдимда, у кишини етаклаб йўлга тушдим. Йўл-йўламай у пойтахтга нима сабабдан келганлигини сўзлаб берди. Ёлғиз ўғли Тошкентда ўқир экан. Икки ойча ҳеч қандай хабар бўлмагач, хавотирланиб ўғлига «Мен олдинга кетаямми, фалон кунга кутиб ол» деган мазмунда шошилинчнома юборибди. Аммо ўғли кутиб олгани чиқмабди. Яхши одамлар ёрдамида ётоқхонага етиб келибди. Вироқ ўғлини бу ердан ҳам топа олмабди. У Бухорога, ўртоғининг тўйига кетган экан.

— Ҳар сафар келганимда ўғлимнинг

ўзи ёки ҳамкурс ўртоқлари кузатиб қўйишарди. Ҳозир ёнги таътил бошланганлиги учун ҳаммаси уйга кетишибди. Ўғлим эса...

Ноғиронлиги етмагандай, яна анча овера бўлган Набижонга раҳим келиб, автовоҳзалга кузатиб қўйдим. Қайтиб келсам таниш харидорлар кутиб туришган экан. Улардан узар сўраб, эндигина иш бошлаганимда бир йигитча: «Нега одамларнинг вақтини ўғирлайсиз? Шахсий дўконингизидики хоҳлаган пайтда очиб-ёпасиз?» дея курақда турмас сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Мен эса ҳеч нима дея олмадим. Негаки, ҳаққатдан ишни кеч бошлаб, одамларни қўштириб қўйганим. Кечикканлигим менинг айбим, лекин...

Набижон ака уйига етиб боргач, ўғлига хат ёзди. Мактубда Абдурасул ака ҳақида алоҳида тўхталади. Ўғлининг у кишига яна бир бор миннатдорчилик билдириб қўйишни уқдиради. Шундан сўнггина ҳамма нарсага тушунган йигитча Абдурасул аканинг олдига югурди. У Набижон аканинг ўғли бўлиб чиқди. Қайта-қайта узар сўраётганининг сабаби ҳам шунда экан.

Ҳа, ҳаёт тасодифларга бой. Унда ҳар хил воқеалар бўлиб туради. Алоқанинг доимо ўз томонимизда бўлишини истагувчи биз ёшлар гоҳида билиб-билмай хато қилиб қўямиз. Яхшиям кексалар ёшлигимизни инобатга олиб, бошимизни силабгина қўя қолишади.

— Харидорларнингиздан кимдир қўполлик қилиб, кайфиятингизни бузган кезларда бошқа соҳага ўтиб кетингиз келмайдими?

— Йўқ. Мана ўн уч йилдирики талабалар шаҳарчасидаги рўзномалар дўкони сотувчисман. Кимларгадир, ишим зерикарли туюлиши мумкин. Лекин менда бу ҳолат бўлмайди. Кўпчилиги талабалар бўлган харидорларим бунга йўл ҳам қўйишмайди. Улар билан ишлаш завқли. Ёшлар орасида ёшариб кетаман гўё...

Одамлар кўнглига йўл топа билдиш, уларнинг ишончини қозониш осон иш эмас. Тошкентдаги 231-рўзномалар дўкони сотувчиси Абдурасул Саматов ёшлар ишончини, муҳаббатини қозона олган инсон.

**Бахтиёр ХУДОБЕРДИЕВ,**  
ТошДД толиби

## ПОЧТАДАГИ ЯНГИЛИК

1667 йили рус дипломати А. Л. Ордин-Нашчокин Польша билан яраш битими тузади. Битим бандлардан бирида Москва билан Польша қиролининг Вильнодаги қароргоҳи ўртасида мунтазам почта алоқиси ўрнатилиши кўзда тутилган. Юбортмаларнинг ана шундай айирбошлангани шартномада «почта» деб аталган.

Ўз даврининг йирми сибсий арбоби бўлган А. Л. Ордин-Нашчокин халқорол тарафдор эди. У рус почта хизмати ташкил этиш ишига катта ҳисса қўшди. Москва—Архангельск ички почта тармоғини барпо этиш гоҳи ҳам унга тегишлидир. У ямшиқлар учун махсус кийим-кечак ўйлаб топган. Ана шулар биринчи рус почтачилари ҳисобланади.

## БИРИНЧИ УКРАИНА ПОЧТАСИ

Украинада биринчи почта станцияси XIII асрда пайдо бўлган. Аммо мунтазам почта алоқиси фақат Украина Россияга қўшилгандан сўнг юзага келди. 1669 йили Украинада подшо Алексей Михайловичнинг фармони билан почта ва почта хизмати жорий этилган. Почта ихтиёрида доимий штатда бўлган ямшиқлар ва отлар йўқ эди, бу ишга шахсий от бўлган ақоли жалб қилинган. Елланма меҳнатга кетадиган ҳаражатнинг бир қисми Москва давлат хазинасидан қопланган, қолгани эса бечора халқ зиммасига юклаган.

Киев билан Москва ўртасида мунтазам почта алоқасини йўлга қўйиш учун Киев, Нежин ва Батуринда почталарни қўлаб қилиб, отларни боқадиган махсус саройлар барпо этилган. 1674 йилдан бошлаб Киевда манзилгоҳлари ва 40 отга мўлжалланган отоналарни бўлган почта саройи фаолият қўрсата бошлаган.

Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида бошқариш тизимини мукаммаллаштириш муҳим тадбирлардан биридир. Бу борада Алоқа вазирлигининг бошқариш тизимида ва идора Бошқармасида қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, вазирликка бевосита бўйсунувчи почта ва матбуот тарқатиш давлат корхоналарини бирлаштирган — «Ўзбекистон почтаси» концерни, вилоятлар

хусусийлаштириш», «Алоқа» тўғрисидаги қонунилари республикамизда турли мулк шаклларидаги корхоналарни тузишга имкон яратиб берди.

Ҳозирги вақтда алоқа тизимида битта ижара корхона ҳамда 9 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республика Вазирлар маҳкамасининг руҳсати билан Тошкент шаҳридаги алоқа автотранспорт корхонаси

риш ва хусусийлаштириш қўмитаси томонидан давлат алоқа автотранспорт корхонасини жамоа корхонасига айлантириш режаси тасдиқланди. Автотранспорт корхонасининг мол-мулки 4343,5 миң сўм миқдорда баҳолашиб, жамоа аъзоларига сотилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида Алоқа вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш

га давлат мулк шаклини ўзгаришига руҳсат берилган эди. Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси автокорхона меҳнат жамоасининг бюрутмаси асосида коллектив корхонага ўтиш бўйича комиссия тузди. Комиссия таркибига Алоқа вазирлигидан, жамгарма банки, район молия бўлимидан, алоқа автотранспорт корхонаси меҳнат жамоасидан вакиллар киритилди.

Комиссия иш жараёнида автотранспорт корхонасининг асосий жамғармаларини, оборот жамғармаларини ва бошқа мулкларни инвентаризация қилди, жамоа корхонанинг Низоми ва тежорат режаси лойиҳаларини, давлат алоқа автокорхонасини жамоа мулкка асосланган шаклдаги корхонага айлантириш режасини ишлаб чиқди.

Давлат мулкни бошқа-

даги давлат электр алоқа корхоналарини бирлаштирувчи «Ўзбектелеком», қурилиш, sanoat ва лойиҳалаш корхоналари ҳамда ташкилотларини бирлаштирувчи «Ўзбекалоқанвест» концернлари тузилди. Алоқа вазирлиги қошида Халқаро алоқалар бўлими, норматив ва лицензиялар бўлимлари ташкил этилди.

Бошқариш ва Мулк ҳуқуқи бўлимининг Низомига кўра унинг асосий вазифалари алоқа соҳасида бошқариш тизимини мукаммаллаштириш, турли мулк шаклларидаги корхоналар тузишда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, алоқа тизимидаги корхоналарни, объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш каби ишлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик», «Ижара», «Корхоналар», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ—ДАВР ТАЛАБИ



Келяқол, дўстлашамиз...

Сураткаш: А. ТУРАЕВ

## ДАРОЗ ЭР-ХОТИН

Канадалик Анна Ханен Суон (1846-1888)нинг бўйи 246 сантиметр деб тахмин қилинарди. Лекин кейинги ўлчовлар унинг асл бўйи 227 сантиметр эканини кўр-

сатди. 1871 йили у Лондонда бўйи 219 сантиметрли амриколик Мартин вал Бурен Буйтс (1845—1919) га турмушга чиқди ва шу бўйи улар инсоният тарихида энг дароз эр-хотин сифатида қайд этиб келинишмоқда.







Инсонга муҳаббат — халқ-муҳаббат — тангрига муҳаббат. Шу уч нарсага бўлган муҳаббат кишини юксакка кўтарди. Шу уч нарса хўрланган жамият таназзулга юз тутди. Зеро ўз-аро чамбарчас боғлиқ шу уч нарса бир-бирини сира инкор қилмайди.

Нақшбандия таълимотига биноан олам ва одам азалии ва абадий зотнинг ўз-ўзини севиб, ўз-ўзини соғинишдан пайдо бўлган кўзгу. Шундай

сўзлаб беради. Қуёш — бу олам ижодкори ҳикматнинг бир зарраси, фалак — бу қудратнинг бир қатрасидир, — дейди у. — Унинг жамоли тўхматдан йироқ. Ғайб (кўринмас олам) пардаси эса унинг ҳижобидир. Яъни, тангри кўринмас олам пардасидан ҳижоб ёпинган-у, оламни, собиту сайраани яратиб, уларда ўз аксини зоҳир қилган. Сенинг кўзларинг қандай чиройни кўрмасин, улар тангрининг акси-

англашиб, тўғри йўл кўрсатгани учун шукрона айтиб, Нил дарёси бўйида ибодат-хона барпо қилади. Зебу-зийнат, мол-мулкдан воз кечиб, эгнига хиёра қияди ва қолган умривия ибодат билан ўтказди.

Қилиб бошга таъя бир қатиг тош, Рийзат тошга урди қатиг бош.

У шундай хулосага келди: кимники умри суратга тикилиб ўтса, у асл моҳият-

мажоз воситасида борилади. Ғузэл фазилатли инсонни, соҳибжамол қизни, сеvimли рафиқани севиш, халққа муҳаббатда бўлиш тангрини севишга йўл очади. Тўғрироғи, юқоридагиларнинг муносибларини севиш, илоҳни севиш билан баробардир. Чунки, пок қалбли инсонда илоҳнинг ғузалик, поклик, ҳалоллик, камтарлиги ва фақрлик каби сифатлари яширин. Бу эса тангрига бўлган мукаммал севиғи эмас, унинг инсолига етишиш учун бир восита, холос. Умуман, ишқ марҳум устозимиз Талъат Солиҳов айтганларидек, мақсад эмас, илоҳга етишиш учун бир восита, илоҳ муҳаббати эса чексизлик, абадийликка йўл очади.

Самандар Термизий «Дастур ул-мулук» асарида «ишқ — ёндиргувчи ўтдир, вайрон қилгувчи селдир, ишқ — кўнгилнинг сафосидир», дейди. «Ишқ — муҳаббат ҳолатидир, кимки ичса унинг лаззатини билмай, ичмаса унинг лаззатини била олмас». «Дил айни ишқ боис мавжуд, малоҳатлидурни, қайдаки ғузалик кўрса, ишқ кўмагила қабул қилар, ҳар қайда ҳусн топса ишқ бир-дан олар, зеро; инсон вужудига жисмоний ва руҳоний қувватни, илм ва шуурни ишқ туфайли пайдо қилмишлар». «Ҳар қайда ишқ бўлса ҳусн бўлғуси ва қайдаки ҳусн бўлса, ишқ бордур ва ҳар иккиси бир нарсадур».

Инсон жисми қоронғу хонага ўхшайди. У ишқдан, маърифатдан, ғузаликдан ёришиб боради. Кимнинг қалбига шу уч нарса бўлма-са унинг ўлиқдан фарқи йўқ. Зеро, доинишманд боболаримиз ишқсиз одами бекиз дардсиз кесакага ўхшатишмаган. Инсон бир марта тус-тилмайди. У илк бор жисм бўлиб дунёга келади. Қачонки унинг англаша, ўзгаларни билса шахс бўлиб қайтадан туғилади. Шунингдек, одам-зот ўлими ҳам бир бора со-дир бўлмас экан. Ҳомиий ҳазратлари «Искандар хи-радномаси»да инсон учун икки ўлим борлиги ҳақида баъанлар. Улардан бири ки-шининг нафс, риё, тубаллик-ка берилиши — руҳий ўлим бўлса, иккинчиси — жисми-нинг жондан маҳрум бўли-шидир.

Ишқ ҳам бир дин. Кимки шу динга эътиқод қўйса кам бўлмайди. У инсонни ҳаёт-нинг қоронғу сўқмоқларидан соғ-омон олиб ўтаркан, ўзи-ни ўзига дучор қилади. Бир олим «Ишқ инсоннинг ило-ҳий эканлигини исботлаш воситасидир» деб бежиз айт-маган.

Юсуф РАСУЛ

2. Самандар Термизий. «Дастур ул-мулук». Душанбе. «Ирфон», 1992 йил.

# МАЖОЗИЙ ВА ИЛОҲИЙ ИШҚ ҲАҚИДА

ақан Инсон табиятан илоҳийдир. Ундаги ҳусн ва ла-тофат Ҳақ жамоли тажал-лики билан зуҳур этган. Кимки ғузэл фазилатли одамга меҳр қўйса, бу олий моҳият эгаси бўлиши тан-грига муҳаббат билан баро-бардир. Мумтоз шарқ ада-биётда бу хилдаги меҳр — мажозий ишқ саналади.

Абдурахмон Жомий ҳаз-ратлари «мажоз — ҳақиқат кўприги» иборасига амал қилганлар. Бу эса улуг шо-ирнинг деярли барча ишқий асарлари бош ғоясини яра-тишга туртки бўлган. «Юсуф ва Зулайҳо» — шоирнинг шу хилдаги ишқий-мажозий дostonн хисобланади. Дос-тонда образларни рамзий маънода талқин қилиш ло-зим. Масалан: Зулайҳо-ишқ (тасаввуфда тариқат йўлига кирган солиқ), Юсуф — ма-жозий ишқ, доя кампир — ақд, тафаккур, шоҳ — вужуд, оға-нинлар — инсондаги ёмон хислатлар рамэлариридир. Дostonда инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати бора-бора юксалиб, олий даражага кў-тарилиши акс этган, яъни, мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа мушарраф бўлиш мум-кинлиги очиб берилган.

Дostonда диққатга сазо-вор бир боб бор. Зулайҳо Юсуфни савдогардан сотиб олгандан кейин унинг тар-бияси билан шугуллана бош-лайди. Бу орада унинг хуш-рўй ва доно гуломи таъри-фини эшитган одамлар узоқ қяндан кела бошлайдилар. Бу овоза Миср яқинидаги Од (қадимги араб қабиласи номи) наслидан ғузаликда тенгсиз, соҳибжамол бир қиз бўлиб, унинг ҳам қўлогига етади. Қиз ҳам висол ишқи-да йўлга чиқади. Келиб Юсуфни кўргач унинг чи-ройига маҳлиё бўлиб ўздан кетади. Ҳушига келгач Юсуф билан ҳақиқий-ва мажозий ишқ ҳақида суҳбат қуради-лар. Қиз, бунчалик ҳусн ва зеболикнинг ижодкори ким деб сўрайди. Шунда Юсуф унга ҳақиқий ишқ ҳақида

дир. (Яъни, бу олам ёлғон-дир). Агар аксини кўрсанг, асл ғузаликни кўрмоққа жазм эт. Яъни, бирор нарсани-нинг суратини, ташқи кўри-нишини кўрсанг, асл моҳия-тини билмоққа интид. Чун-ки суратда бақолик йўқ.

дан хабар топмайди. Бу олам бир суратхона, моҳият эса унинг кўринмас томонида. Яъни, асл ҳақиқат, тангри кўзга кўриниб турган олам-да эмас, балки унинг кўрни-мас томонида зуҳур этган. Уни кўз билан кўриб бўл-



Шул боис боқийлик истасанг, аслига нигоҳ ташлай бил. Унинг дарду ҳижрони жонга малҳам бўлғай.

Шундан сўнг қиз Юсуфга ташаккур айтиб, шу пайтга қадар интиланган мажоз экан-ини билдим, дейди:

Ҳақиқатга чун кўзим бўл-ди бино, Мажозий ишқи тарк этсам авло!

Қиз Юсуфга ҳақиқатни

майди, қалб билан ҳис қи-лиш мумкин. Кўнгла қачон покласагина бу олий бахт-га эришилади.

Шу кичик бобдан англа-шиладини, илоҳий ишққа

1 «Юсуф ва Зулайҳо» дос-тонини Огаҳий, Назармат ва О. Бўриевлар таржимаи қи-лишган. Огаҳий таржимаси мукаммал бўлганлиги учун унда фойдаландик.

## БИЛАСИЗМИ?

● Европада биринчи марта Москвада 1805 йил бошида кўз касалликлари хас-тахонаси очилган.

● Англиялик Томас Веддернинг бур-ни жуذا ҳам узун бўлиб, уни «Ажойиб бурун» деб аташган. Буриянинг узун-лиги «бор йўғи» 19 сантиметр бўлган.

● Элиа Гаонинг хотираси шунчалик зўр бўлганки, бир марта ўқиган китоби-ни бир умр эсда сақлаб қолган. У 2.500 томлик китобни ёддан билган ва ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, хоҳлаган жойдан шарҳ айтиб бера олган.

● Форс шоҳи Кир бўлса, ўз армия-сидаги аскарларнинг номини ёддан бил-ган.

● Агар ўртача 60 ёшли кишининг бутун умр бўйи гаширган гаги китоб қилинса, ҳар бири 500 бетли 1.000 том-лик кутубхона ҳосил бўларкан.

● Кишининг бўйи тоғдан оқшомгача ўтган вақт мобайнида ўзгариб туради. Унинг энг новча маҳали эрталабки пайт-га тўғри келади. Кечга томон бўй 1-2, узоқ юрши натижасида эса ҳатто 4-6 сантиметргача насайини мумкин. Бу ҳо-лат бўғимлар орасидаги демирчак қат-ламларнинг сиқилиши туфайли юз бе-ради.

● Тилшуносларнинг 1969 йили Али-кантда (Испания) бўлиб ўтган Бутун жа-ҳон конгрессида ҳозирги вақтда одам-лар 2976 тилда гаплашаётганлиги кўр-сатилган эди.

Ушакон лугатида — 85289 та, Влади-мир Дальнинг «Толковый словарь живо-

го великорусского языка» деган луға-тида қарийб 220 миғнага русча сўз бор.

● Пётр I росмана наҳлавон эди. У Голландияда эканда шамол тегирион-лари қандай тузилганини кўриш мақса-дида уларни паррагидан ушлаб тўхта-ти қўярди.

● Ломоносов тўғрисида ажойиб ҳи-коятлар маълум. У кескайган чоғида ҳам саломатлиги ва бақувватлиги билан ажралиб турган. Уша даврдаги газе-талар қуйидаги бир воқеани ҳикоя қи-лашди. Ломоносов Петербургда Василе-ский ўролда бир оқшом ўрмон оралаб кетаётганда, унга уч нафар талоччи ҳужум қилган. Шунда Ломоносов улар-нинг иккитасини биттадан мушт уриб ағдарган, учинчисини эса ечинтириб, қип яланғоч қилиб қўйиб юборган.

А. ИНОҚОВ тўллаган

## КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ

● Кутубхоналар тарихи қадимги Юнонистонда бошлан-ган. Қадимги Рим кутубхона-ларининг қизиқарли хусусиятла-ридан бири уларнинг ихтисос-лаштирилганда эди. Чунки, битта кутубхонада лотин тили-даги адабиётлар сақланса, ик-кинчисида грамматикага оид китоблар, учинчисида матога ёзилган ноёб қўлёзмадор, фил суягига битилган китоблар сақ-ланарди.

Бундай кутубхоналарга одат-да «прокураторлар» деб ата-ладиган машҳур олимлар ёки ёзувчилар мудирилик қилган («прокуратор» — аслида лотин-ча сўз бўлиб, қадимги Римда ҳўжалик бошқарувчиси, суд вакили, солиқ йиғувчи амалдор маъноларини ҳам билдирган).

● Рим олимлари ва ёзувчи-ларининг ақсарияти турли ил-ми ва адабий китобларга бой бўлган шахсий кутубхонага эга эди. Масалан, тилчи олим Эпафродитнинг кутубхонасида 30 мннг, шифокор Салмонни Серенинг кутубхонасида 60 мннгдан зиёд китоб бўлган.

● Кетма-кет бўлиб турган босқинчилик урушлари Рим жаҳаниянинг маънавий қиёфа-сини тубанлаштириб юборди. Бу ҳол эса кутубхоналар иши-га ҳам таъсир этмай қолмаган. IV асрда яшаб ўтган тарихчи Марцеллини кутубхоналарини эшиги тақа-тахт ёпилган мақ-бараларга қиёс қилган эди. Кейинчалик Душманлар зарба-си остида Рим империяси ик-кирозга учраши билан бу ку-тубхоналар талон-тарож бўлиб кетди.

● Езма асарлар жуذا қад-им замонлардан тўплана бош-ланган. Бундан 3500 йил му-қаддам Мисрда қўлёзма папи-руслар сақланадиган махсус бинолар бўлган (папирус — қа-димги даярларда Миср ва бошқа мамлакатларда папирус ўсимлигидан тайёрланган ёзув материали, унга ёзилган ада-бий ёдгорликлар). Археолог-лар Оссурия ҳўкмдори Аш-шурбаннипалнинг саройидан топган, миҳхат тўплами эса эраммздан бурунги VII асрга тааллуқли.

● Энг биринчи жамоатчи-лик кутубхонаси бундан 2500 йил муқаддам Афинада ву-жудга келган бўлиб, у ҳам ўздан кейинги шу хил кутуб-хоналар каби фақат билимдон аристократлар учун хизмат қилган.

● Энг катта ҳисобланган Алесандрия кутубхонасида 700 мннга яқин қўлёзма китоб бор эди.

● Иккинчи машҳур кутубхо-на Кичик Осиёдаги Пергам шаҳрида бўлган, китоблар учун юлқа теридан махсус қо-ғоз — пергамент ишлаб чиқа-риш ҳам ана шу кутубхонага алоқадор эди. Пергамент қўл-ланма бошлангандан кейин қўлёзмалар ҳозирги китоблар-га ўхшай бошлади: бир неча пергамент биргаликда булана-либ қирқилган, 4-6 варрақли китоб ҳосил бўларди. Китоб му-қоваси ҳам пергаментдан тай-ёрланган, фақат куз тушмас-лиги учун унга кедр ёнғоғи-нинг ёғи суртилган. Шу мақ-садда ҳатто кутубхона ғала-донлари ҳам кедр тахтасида ясалган. Китобларни жануб ва ғарб томондан эсувчи нам ше-молда тез пайдо бўладиган моғордан ҳзтибатлаш учун, ку-тубхона деразалари шарҳқа қаратиб қўрилган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган

ТошДУ томонидан БҲРИЕВ ЛУХМАН ҚАРИМОВИЧ номинга берилган ФВ 957289 рақамли йўқолган диплом беқор қилинади



Умр чорраҳаларига

Сафарали институт ректори Шопўлат Абдуллаев қабулхонасида қўлидаги талабалар рўйхати ёзилган қозғога қараб ҳаялга толди.

Ҳаммаси деҳқоннинг болалари, менга ўхшаб пода боқиб, эгатнинг ичидан чиқмай ўқиниша қелишган, уларда нима айб, ёмон баҳо олган бўлса калласи ишламаганиданмас, қорни очлигидан... Сафарали котиба аёлнинг ўз исмини айтиб қақираётганидан чўчиб, бошини кўтарди.

— Кирарканизол.  
Бавзан комсомол топшириги деб, ректорга ҳам баланддан келадиган Сафарали бу гал қимтиниб, қўлидаги рўйхатни Шопўлат Абдуллаевга узатди.

— Ниманг бу, комсомол?  
— Стипендиясиз қолган, ҳаммасидан зўрга «уч» олган болалар.

— Битта «уч»ларга жанжал билан бердик-ку, қаердан топаман буларингга пулни.

— Қайдам, пул бермасангиз кетиб қолишадди, нонгайм пули йўқ, ижарага ўтирадиганлар, — деди Сафарали қимтиниб.

— Иложини қилолмайман. Ҳеч пул чиқадиغان жой қолмади, болам...

Ҳамиша қўлини осмонга кўтариб гапирадиган комсомол котибининг кўзига ёш келди, зўрга, томоғига суяк тикилган одамдай хирриллаб гапирди.

— Сиз отасиз, улар камбалда, камбагал, — деяди, холос.

Ректор қўлидаги рўйхатга узоқ тикилиб турди. Унда болаларнинг ўзидан кейин неча укаси, синглиси борлиги-ю, қишлоғи, ёлғиз қолган онасигача ҳаммаси мукаммал битилган эди. Ректор қозғога нимадир ёзиб, имзо чекди.

— Ма, проректорингга олиб бор, пулни қаердан топса топсин, қайтиб менинг

олдимга кўтариб кирма бўлигини, — деди.

Орадан кунлар ўтди, нима бўлсаям стипендия унди. Сафарали раҳмат айтимоққа ректорнинг йўлини пойлади. Ниҳоят, институтнинг салобатли пойгоҳида домланинг олдини тўсди.

— Раҳмат, домла...

— Шундай дегин, — деди Шопўлат Абдуллаев мийиғида кулиб, — болапсан, пул ундиришнинг йўлини топганингни қара, комсомол, билиб қолиниша, Сталиннинг буйруғи билан мени отишадди, ҳа... Менга қара, бу болаларни ижарада ўтиради дедингни?

— Ҳа, ҳаммаси мана шу атрофда, домла.

бар олмоқни кўнглига тугиб қўйган эди. Сафаралининг йиғлагани уни тезлатди. Ҳума куни уйга эртароқ келиб, деҳқонча кийинди. Неча йилдан буён қовжираб, бир чеккада ётган кези этикни кийиб, ташқарига чиқиб кетаётганида хотини олдини тўсди.

— Қайга кетяпсиз, домла?

— Урушга, хотин, урушга, мен бормасам бу немас дегани енгиладиганмас.

Аёлнинг кўнглига ростданам гўлгула тушди, маънос титраб, лаблари пирпирлади.

— Йиғлама, йиғлама, ижарада ўтирадиган болаларнинг ҳолидан хабар олгани кетяпмиза.

Аёл нимадир деб, эланиб

кан, ҳидлаб, «Оҳ, оҳ, байбай-бай» дея чеккасида сиқириб, оғизга олди. Ростмана деҳқонча кийинган ректор билан болаларнинг гурунги қизиқди, совуқ хонадон илиди.

Домла ташқарига чиқди. Қоп-қора кўмирга айланган кетган эшикнинг ичкарисидан тутун чиқаётганини кўриб, шу томонга кирди. Ерга бағрини бергудай бўлиб, ўчоқдаги ўтин пуфлаётган аёл «гув» этиб ёнган оловдан бошини кўтарганида, тепасида устундай бўлиб турган эркакча кўзи тушди.

— Келинг...

Домла остонага чўккалади.

Аёл қозоннинг қопқоғини очди. Унинг ичидаги овқатнинг нималигини билиб бўлмади, ҳарқалай овқатда, домланинг кўнгли ёришиб кетди.

— Раҳмат омазон, раҳмат сизга, булар яхшиликни унутадиган йигитлармас, омонлик бўлса...

— Қўйинг, ука...

— Ундай деманг, бир чўмич сувингизни ошиғроқ қўйсангиз... — домла чўнтагидан ҳаменини олиб, ўчоқнинг бошига қўйди. Аёл индамай қўлга томонга сурди.

Худонинг ёруғ кўндалри ҳам бордир, оллоҳ азиз этиб яратган баъдаларни хор этмас, — деди аёл кимгадир пичирлаётган одамдай.

— Индамайпсизку?... — аёл секин ёнига ўтирилди. Ахир партиямиз, ҳукуматимиз, отамиз Сталин...

— Э...

Сафарали ошхона остонасига келганида инкалас ҳам унга қайрилиб қарамади, улар бир-бирига суянишиб, етим қолган ана-унадай юмюк йиғлашаётган эди.

Экуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

СЎЗ ҚУДРАТИ ҲАҚИДА

Сўздурни, нишон берур уллик жондин, Сўздурки, берур жонга хабар жонондин, Исосини сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гўҳари шарифроқ йўқ оидин, НАВОИЙ.

Сўз — гул, иш — мева, Ал-ХОРАЗМИЙ.

Сўз — буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бир-биридан-юз кўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.

Сўздан кудратлироқ нарса йўқ. Уткир, дадил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яқсон этади, қалъаларни йиқатади, У кўзга кўринмас қуроқ. Сўз бўлма-са, дунё дағал кушлар қўлида қолар эди.

Худди кўнгироқ бонги сингари ҳамжани дарага солиб, титратиб, олға ундайдиган жарангдор сўзлар зарур.

Сўз — иснос кудратининг кўмондони.

Қаердаки сўз тирма экан, у ерда ҳали иш ҳақ ўлмаган.

Ҳар қандай беаътижа сўз беаътиж ва қуруқ бўлади.

Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сен сўз ортдан келадиган оқбатни ўйла...

И. П. ПАВЛОВ.

ИММОН

Ростданам уларнинг отаси бўладиган бўлсак, яқшанба куни бир айланиб, ҳолларидан хабар олиб келайлик, — деди ректор.

— У куни болалар ишга чиқишади, мардикорликка...

Бўлмаса индинга, дарсдан кейин мени олиб кет, — деди ректор, сўнг қўлини орқасига қилганча хонасига қараб инди.

Низомий номидаги педагогика институти талабаларининг бир қисми туғмачилик комбинати атрофидаги пастак хонадонларда туришар, емак-ичмақдан, стипендиядан, мардикорликда топган пулларидан юртисод қилишиб, уйига юборишар, ижарага тўлашарди. Шопўлат Абдуллаев шуларнинг ҳолидан ха-

қолди, Шопўлат домла хотинининг уни ошитмади.

\*\*\*

Сафарали талабалар ижарада яшайдиган ҳовлининг эшигини таққилатмасдан кириб борди. Улар узун-қисқа бўлишиб, хонага кириб келишганида тўртта қора чакмон кийган йигитлар бағрини ерга бериб, дарс тайёрлашаётган эди. Болалар Сафаралининг орқасида, қўлини орқага қилиб турган келбатли ректорга кўзлари тушгач, даст ўрнидан турришди. Бир тўшакни қоқиб, дастурхон ёзди, бири ташқарига чиқди, бири домланинг қўлига сув тутди. Тиркаш деган ялангтўш йигит кўк, оҳорлик рўмолга ўраб қўйган зогорани дастурхон ўртасига қўйди.

Шопўлат Абдуллаев зогорани икки қўллаб олар-

Экуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ



Светлана БАИСАЛБАЕВА
МЕНИНГ СЕВГИМ
Майли, билсин улуг Москва, Париж ҳамда олис Вашингтон — Шундоқ севги бордир дунёда Ва бу севги эмас оддий, жун. Майли, билсин азиз овулим, Балки мендан жиндек

УЧРАШМАЙМИЗ ИККИМИЗ ОРТИҚ

Светлана Байсалбаевани «Марказий Осие ревью алоқаси» журнали бoш муҳаррири, алоқачи-журналист сифатида билардик. Яқинда тасо-дифан унинг шейрий мажмуаси қўлимигага тушиб қолди. Уқиб кўрдик. Чакки эмас. Уларда Ватанга, дўстга, ёрга муҳаббат туйғуларни авж пардаларда кўйланади.

Назмий маъжлардан айримларини моҳир таржимон, шоир Мир-пўлат Мирзо ўзбекчага ўғирган.
ранжиган. —
Билсин Киев, Сингапур, Пекин, —
Бир шаҳар бор — Олмаота деган.
Унинг сўнмас меҳри дилда жо,
У ҳақда мен ўйлайман ҳар дам —
Брюсселда, ҳатто Токио, Неаполда, Нью-Йоркда ҳам.
Табассумнинг, хўрсинишларнинг
Қизиги йўқ мен учун энди.
Кўрниарди бу олам рангин, Биллур янглиг ҳаммаси синди.
Менга гўзал толе не орзу, Қадри йўқдир назокатнинг ҳам.
Кимнидир деб чекмайман қайғу,

Уфқ дилга солмас тотли ғам.
Энди мен-чун турмуш хузурсиз,
Пар ёстигим тошдайин қаттиқ
Ва қисмат ҳам раҳм этмас ҳаргиз
Учрашмагач иккимиз ортиқ.
ТЕЛЕФОНИМГА
Тақиқлайман сенга қатъиян —
Сукут сақлаб туришингни жим.
Авф этдим зўр тоқат билан
Сени кўп бор, о Телефоним.
Неча марта дилда ҳаяжон,
Гоҳи алам билан боқдим-а!..

Туйғулар тугёни

Бир кун изза қилурман ёмон,
Кўнглимни сен уқмадинг сира.
Фoш этурман бир кун билиб ол,
Сақласанг ҳам қанча сукут-сир.
Токайгача анграясан лол?
Таъзирингни бермасамми бир!
\*\*\*
Қайси бири «Ишон» деб қистар:
Телефонми — кўзғатиб титроқ
Е эшикми чорлаб ҳар сафар
Чалувчи шўх, мунис қўнғироқ.
Қайси бири янграркин аввал,
Телефонми — доим алдоқчи
Е эшикми, дегувчи маҳтал:
«Ишонмасанг сен, очиб боқ-чи!..»
\*\*\*
Менга хузур керакмас ўзга,
Қўлларимни сен тутганинг он.
Жаннат орзу қилайин нега,
Сен ёнимда бўлсаиң ҳар қачон!

БЕБАҲО БОЙЛИК

Дўстсиз бошини — туз-сиз ошини.
Дўст қидирмаган кия-шин ўзига душман.
Дўст узоқда бўлса ҳам дили яқин.
Дўстга хиёнат қилган балога йўлиққади.

Дўстлашиш осон, уни давом эттириш қийин.
Дўстлик синювда чи-ниққади.
Дўстлик бўлмаса — дунё қоронги.
Дўстнинг учун жонин ҳам аяма.
Дўстнинг дўст бул, душманга — зийрак.
Дўстни ёмонлаган одамдан узоқ юр.
Дўстнинг кўп бўлса — элинг тинч яшайди.
Дўстнинг дўсти ҳам дўст.
Дўсти кўпинг — кўн-гли тўқ.
Дўстлик ёскирган сари қимматлашади.



ЧИН ҲАЗИЛ

Ўзбек халқининг сеvimли саятқори Юсуфжон қизқиняр ҳикоясича, Худоберхон саройида қизқичилар труппасини бошқарган Зокир эшон (Зокир гов) хон ва унинг амалдорларини аския қилгани учун хон томонидан олти ойгача уй қамоғига ҳукми қилинган. Зокир гов қамоқдан қутулиш учун турли қизқичилик ва ҳийдалар ишлатган, ниҳоят, хон олдиға паравжи ёпинбо бориб, ундан гуноҳини кечишни илтимос қилган ва илтимоси инобатға олинган.

Бир кун Зокир гов ўз сафдошлари билан Ушдаги бир бойнинг тўйида аския қилиб, халқни кулдириб турганида тўсатдан ўлиб қолган. Устознинг ўлими унинг сафдошларини, шогирдларини чуқур қайғуга солибди, улар йнги чиқармоқчи бўлибдилар. Бундан хабардор бўлган бой: «Тўйини азага айлантирмаңлар. Говнинг ўлимини ҳазилға чиқаринглар, бўлмаса жазоға торта-

Ағдақдўшнинг ХУРЖУНИ



ШИНГИЛ АСКИЯЛАР

ман», деб дўқ қилибди. Улар мушкул аҳволдан қутулиш учун мурданинг атрофини ўраб оlib, юраклари чуқур изтиробга тўлган ҳолда аския қилишибди.

Мўмин Қишлоқчи:— Турнинг ҳазил вақти эмас, сувни иситиб қўйишди, ювгучилар ювишади. Бекорчи ҳазил чинға айлаиб кетади, ахир.

Усмон қори:— Қўй, етаверсин. Зардасини хотининга

қилсин, бизға нима! Саъди махсум:— Майли, қўявер, кейин ўзи пұшаймон қилади, барибир ўрниға ўтмайди.

КАМОЛИГА ЕТСИН

Қўқонда Урфий деган, Хўжандда Камол Хўжаидий

деган шоирлар бир-бирлари билан дўст экан. Камол Хўжаидий Урфийни меҳмонға чақиритти. Супада суҳбат қилиб ўтирганларида Камол Хўжаидийнинг кичкина кучуги дастурхон ёниға келиб, ҳатто дастурхонға тегиб кетса ҳам у индамас экан. Урфийнинг жуда гаши келиб, аччиги чиқипти ва охири сурапти:

Урфий:— Бу махсумчага нима ном қўйганлар?

Камол Хўжаидий:— Урфий номлардан бирини қўйгаммиз-да.

Урфий:— Камолиға етсин!

БИР ПИЁЛА МУСАЛЛАС

Мавлон Икром вилоят газетасида адабий ҳодим бўлиб ишларди. Тушликдан кейин бош муҳаррир уни йўқлиб қолди. Бу воқеа элгинчи йилларнинг охирида бўлиб, муҳаррирнинг обрў-эътибори юксак ҳисобланар ва энг катта ҳамда шинама хона уники бўларди. Оёқ остига гиламлар тўшаб қўйиларди. Аҳмад аканинг хонаси ҳам худди шундай жиҳозланган бўлиб, оёқ остига тўшалган гилам катталари қилиб қўйиб, бир қаричаси эшик тагида буклоғлиқ эди. Гиламининг бундай қайириб қўйилганини гўё атайлаб қилиб қўйилгандай туйиларди. Чунки бош муҳаррир хонасига кирган ҳар қандай киши бу улуг зотнинг салобати босиб, буклоғлиқ гиламини кўрмаслиги ва бир бор қоқилиши табиий эди. Шундай ҳолат Мавлон Икромда ҳам рўй берди. У сал бўлмаса гилам устига йқиқлабди. Зўр-базўр ўзини ўнглаб олган Мавлон ака му-

ҳаррирға пешвоз бориб, қўлини кўксига қўйиб узр сўрай кетди:

— Аҳмад ака, кечирасиз, Мендан битта аҳмоқлик ўтди. Энди бу номаъқудчилик такрорланмайди.— Мавлон Икром бу гиламға ҳамма ҳам қоқилиши мумкинлигини унутиб қўйиб, ўз сирини очарди.— Пешинда Мирзёв билан бир тўйға борган эдим. Ош олдидан ҳеч қўймади, зўрлаб бир пиёла мусалласни ичириб юборди. Биласиз, ичкилик менга ёқмайди, начора, тўйчилик экан, кўзим қиймасдан ичиб юбордим. Шунинг учун мени маъзур туттайсиз!

Ўз ҳодимининг ҳалол ва соддалигидан завқланиб, мийғида кулиб турган Аҳмад Исмонлов ҳам ўзча тантилиқ қилади:

— Майли, Мавлонжон! Айбингизни кечирдим. Бугунча Сизға руҳсат, бориб уйингизда дам олақолинг!

ТўЛҚИН

ХОРИЖИЙ ХАНДАЛАР

Мияқоз сартарошға деди: — Нега итингиз менга еб юборгудек бўлиб тикиляпти? — Биласизми, баъзан ерға соч билан қўшилиб қулоқ ҳам тушиб туради, итин унги яхши кўради.

Чарчаб, ҳоринг одамхўр горға қайтиб келади. Хотини дастурхон ёниб, каттақон товоқда гўшт қўяди. Қорни қўйган одамхўр тишини кавлаб, дейди: — Хотин, бугунги гўшт бемазароқим дейман.

— Ака шу-да! Мен ҳаммаша айтардим-а онамға ёмон муносабатдасан деб.

«Азизим Том! Эртаға оқшомда келин, Отам уйда, қаработда ётибди, аммо оёғи қаттиқ лат егани учун ўрнидан туролмайди. Тушуйдингми? Марджори».

«Азизам Марджори! Эртаға олдингиз борулмайман, Мен ҳам уйда, қаработда

ётибман, меннинг ҳам ўша отаиғ оёғини уриб олган жойим қаттиқ оғриляпти. Тушуйдингми?»

Поездда кекса хоним провонидикдан сўради:

— Айтингни, вагонинг қайси томонидан тушганини маъқул?

— Хоқлаган томонидан тушаверинг, хоним. Иккала томони ҳам бир вақтда тўхтайд.

— Алло, азизим, биласанми, биз фавақид кўрадиган бўлдик! — Жуда соғ! Дарвоқе, гапиратган ким ўзи?

— Йингитча, севгилинигизға атиргул совға қилинг. Гулнинг ўзи Сиз учун сўйлайди...

— Майли, бир донасини беринг. Мен қисқа гапирман.

Мия бўлмагани учун уни бутунлай тарк этди.

Йнги пьеса катта шовқинға сабаб бўлди... ундаги воқеалар бошдан охиригача отишмадан иборат экан.

Ҳатто ёмон одам ҳақида ҳам яхши ҳикоя ёзиш керак.

Икки қаватли бино ўзини чала қурилган осмонўпар минора деб ҳисобларди.

Нотик ҳар дақиқада «Гапни чўзиб ўтирмасдан қисқасини айтадиган бўлсам...» деб яна уч соат минбарда оғиз кўпиртирди.

Баҳорда ҳатто этиклар ҳам бир-бирларининг қулоғига млик гапларни шивирляшади.

Масалчи эшик тилидан ўз фикрларини байи қилди.

Унинг юзи худди патефон лаганидай юм-юмалоқ, аммо унда ҳеч қандай ёзув излари кўринмасди.

Чумчуқлар автомобилдан отин юқори қўйишади. Чунки автомобилнинг ортида тезик қолмас эканда.

М. ИСЛОМҚУЛ ўғирган

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ Мирпўлат МИРЗО Тоҳир РАҲИМОВ Ислом УСМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ Бобохон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ Воҳид АЪЗАМОВ Билол АМИНОВ Шохруҳ АҚБАРОВ Саидмахмуд АҚБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ ИСЛОМ КАМОЛ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Сафар ОСТОНОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарриратта келган қўл-ёзмалар (2 оралқда, 5 бетдан олмаслиғи лозим) ва суратлар муаллифларға қайтарилайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатға олиш № 000011. Вуюртча № Г — 511. 25910 нуҳада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Эмиль КРОТКИЙ

ЧУМЧУҚДАН СЎРАЛСА...

шарди. Улар шундай зерикарлик комедияни ёзган ёзувчинини кўршиға қизқишарди.

Ошпазнинг ҳазиллари ўзи пиширган томлариндай суюқ ва бемаза эди.

Шоир қўшиқларидан бошқа бутун ер юзидеги одамларни севарди.

Эр-хотин ўртасида маҳаллий аҳамиятға эга бўлган жанг бўлиб ўтди.

Унинг яшаганини ўлгани ҳақидаги эълондан биллиб қоллишди.

У ўзгалар соғлиғи учун қадаҳ кўтара-кўтара ўзининг соғлиғини барбод қилди.

«Ўзгаларға чуқур қазима!» деган гап гўрковларға тааллуқли эмас.

Бадавлат одам оёқни асраб, камбағал эса оёқ кийимини.

Одатда ёмон қўшиқларни хор бўлиб айтишади. Кўпчилик бўлганда масъулият каймайс керак-да!

Бу қўшиқнинг овозини пластинкаға ёзиб олиб, кейин ўша пластинкани майда-майда қилиб ташлагинг келади.

У онадан қўйлақда турилган экан... лекин ўшандан бери қўйлақни алмаштирмаган.

Барча тўтиқушлар ҳам гапираремайди... Езадиган тўтиқушлар ҳам бор.

Унинг калласига ақлли фикр келди-ю лекин тушунадиган


Унинг ҳар бир асарни режиссёр учун драма бўлса, томошабинлар учун фонона эди.

У ҳар дом қўлини чўнтаққа соллишини яхши кўрарди... Чўнтак эса давалатиники эди.

Уларнинг муҳаббат қиссаси латифадай қисса бўлди.

Эҳтиёткор муҳаррир қарра жадавлин «Мухокама учун мавзу» руқинда эълон қилди.

Томошабинлар тўхтовсиз қарсақ чалиб, муаллифнинг соҳнаға чиқилишини талаб қили-



Сўзсиз сурат.

Мусавир Н. ҚОСИМОВ